ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.14/30.12.2019.I.84.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

КАРИМОВ МУЗАФАР МНОВАРХУЖАЕВИЧ

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.02 – Макроиқтисодиёт

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 й.

УДК: 338.23:330.322.4(575.1)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical sciences

Каримов Музафар Мновархужаевич
Инвестицияларни жалб қилиш жараёнларини диверсификациялаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш..... 3

Каримов Музафар Мновархужаевич
Диверсификация процессов привлечения и повышение эффективности использования инвестиций..... 25

Karimov Muzafar Mnovarkhujaevich
Diversification of investment attraction processes and increasing the investment efficiency 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc.14/30.12.2019.I.84.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

КАРИМОВ МУЗАФАР МНОВАРХУЖАЕВИЧ

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.02 – Макроиқтисодиёт

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 й.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Iqt136 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-сайтида (www.ifmr.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) нашр этилган.

Илмий раҳбар: **Трушин Эскендер Фахриевич**
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Хашимова Наима Абитовна**
иқтисодиёт бўйича фан доктори (DSc), профессор

Котов Валентин Антонович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.14/30.12.2019.I.84.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «19» январ соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Шайхонтохур тумани, Хадра 33А уй. Тел: (99871) 244-07-17. e-mail: info@ifmr.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Шайхонтохур тумани, Хадра 33А уй. Тел: (99871) 244-07-17. e-mail: info@ifmr.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «8» январ куни тарқатилди
(2022 йил «8» январ даги 2 рақамли реестр баённомаси).

Т.М.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ш.Х.Отабоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

З.У.Бердиназаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳонда инвестицияларга нисбатан талабнинг ошиши инновацион технологияларнинг жадал ривожланиши ва капиталга бўлган эҳтиёжни ортиб бориши туфайли юз бермоқда. Ушбу шароитда инвестицияларни ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва узоқ муддатли ривожланиш мақсадлари билан боғлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси ва Осиё ва Тинч океани бўйича Иқтисодий-ижтимоий комиссиясининг инвестициялар бўйича йиллик ҳисоботларида дунёдаги инвестиция сиёсати ва инвестиция оқимини рағбатлантириш бўйича фаолиятни мониторинг қилиш асосида уларни бугунги кундаги долзарб масалалар билан ўзаро боғлиқлиги қайд этилган. Долзарб масалалар қаторида пандемиядан кейинги фаолият, махсус иқтисодий зоналарни шакллантириш, саноат сиёсати[1] ва Барқарор ривожланиш мақсадларини[2] кўрсатиш мумкин. Инвестициялардан самарали фойдаланиш муаммолари ҳал қилиш Халқаро валюта фонди[3] ва Жаҳон банки[4] каби нуфузли халқаро молия ташкилотлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган.

Жаҳонда рақобат кучайиши шароитида инвестицияларни жалб қилишни механизмлари турларини кенгайтиришнинг долзарблиги кучаймоқда. Ишлаб чиқариш омиллари, ресурслар ва арзон ишчи кучини ишлатишга йўналтирилган инвестициялар муҳим бўлиб қолаверади, лекин бундай инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари камайиб бормоқда.[5] Бу шароитида жалб қилинган инвестициялардан самарали фойдаланиш мамлакатда капитал оқимини ўсиши ва барқарорлигини кафолатига айланмоқда. Рақобат ва рақобатбардошлик масалалари аҳамиятини кучайиши инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишнинг янги илмий ёндашувлари ва услубларини ишлаб чиқишни устувор йўналиш қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон ўз олдига узоқ муддатли истиқболда мамлакатни жадал ривожлантириш орқали илғор мамлакатлар қаторига киришни мақсад қилиб қўйган. Ушбу мақсадга эришиш учун ресурсларни қазиб олиш ва экспорт қилиш иқтисодиётидан самарадорликни оширишга асосланган иқтисодиётга, узоқ истиқболда эса инновацион иқтисодиётга[6] ўтиш муҳим. Бу эса инвестицияларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш зарурлигига олиб келмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш соҳасида қўшимча қийматнинг ўсиши учун инвестициялар самарадорлиги ошириш, уларнинг молиялаштириш манбалари таркибида ички хусусий инвестициялар улушини янада ошириш устувор вазифалар қаторига киради.

Ушбу диссертация натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада

---

[1] UNCTAD. World Investment Report. https://unctad.org/topic/investment/world-investment-report (Дата доступа: 10.12.2020 г.)
[2] ESCAP (2017) Asia-Pacific Trade and Investment Report 2017. UN Publication. Bangkok, 2017.
[3] IMF (2015) Making Public Investment More Efficient. International Monetary Fund Washington, D.C.
[4] https://www.worldbank.org/en/topic/investment-climate/brief/investment-policy-and-promotion (Дата доступа: 10.12.2020 г.)
[5] UNCTAD (2020) World Investment Report 2020: Key Messages and Overview. United Nations, Geneva, 2020.
[6] Жаҳон иқтисодий форумнинг Глобал рақобатбардошлик тўғрисидаги ҳисоботига кўра тақсимлаш (World Economic Forum: The Global Competitiveness Report, 2016-2017).

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 январдаги "Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5614-сон, 2019 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5717-сон Фармонлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги "2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислоҳотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 526-сон Қарори қаби меъёрий хужжатларда белгиланган инвестиция фаолияти бўйича вазифаларни амалга оширишга маълум даражада ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технология тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технология ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестицияларни иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида ўрганишга бағишланган Ж.М.Кейнс, Р.Ҳаррод, Ж.Р.Хикс[7] ва бошқа иқтисодчиларнинг асарларида инвестиция масалаларининг турли жиҳатлари акс эттирилган. Инвестициялар, иқтисодий ўсиш ва инновациялар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалалари Р. Солоу, Ф. Агийон, П. Ромер ва бошқаларнинг илмий асарларида, шунингдек, Жаҳон иқтисодий форуми ва БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича комиссиясининг[8] маърузаларида ёритилган.

Ўз ишларини инвестиция назарияси ва амалиёти ҳамда иқтисодиётнинг ривожланиши билан ўзаро боғлиқлигига бағишлаган иқтисодчилар орасида Н.Д. Кондратьев, А.Н. Фоловьев, В.В. Шеремет[9] ва бошқаларни таъкидлаб ўтишимиз лозим. Капитал қўйилмалар самарадорлигини баҳолаш муаммосини ишлаб чиқишга А.П. Лурье, Л.В. Канторович, Т.С. Хачатуров, Д.С. Львов[10]

---

[7] Keynes J.M. (1936) The General Theory of Employment, Interest and Money, Book IV: The inducement to invest. Macmillan. pp. 472 (2007 Edition); Hicks J.R. (1937) Mr Keynes and the "Classics"' // Econometrica, April 1937. Hicks J.R. (1939, 2nd ed. 1946). Value and Capital: An Inquiry into Some Fundamental Principles of Economic Theory. Oxford: Clarendon Press.

[8] Solow R. M. (1956) A Contribution to the Theory of Economic Growth // The Quarterly Journal of Economics, Vol.70, No.1. (Feb., 1956), pp. 65–94. Solow R. M. (1957) Technical Change and the Aggregate Production Function // The Review of Economics and Statistics, Vol. 39, No. 3 (Aug., 1957), pp. 312–320; Aghion, Ph. (1998) Growth, inequality and globalization: theory, history, and policy Cambridge: Cambridge university press, 1998; Romer P.M. (1986) Increasing Returns and Long-Run Growth // The Journal of Political Economy, October, 1986. – pp.1002-1037; The Global Competitiveness Report 2013–2014, World Economic Forum, Geneva, 2013; World Investment Report 2012 - Towards a New Generation of Investment Policies, UNCTAD, Geneva, 2012. и World Investment Report 2018 - Investment and New Industrial Policies, UNCTAD, Geneva, 2018.

[9] Кондратьев Н.Д. Большие циклы конъюнктуры. – 1-е изд. – М., 1928. – 287 с.; Фоломьев А.Н. Приоритеты в экономике России и их обеспечение инновационно наполненными инвестициями // Российское государство и социально-экономические вызовы современности. Том 1. – Москва: Проспект, 2015; *Шеремет В.В. и др. Управление* инвестициями. В 2-х томах / М.: Высшая школа, 1998; Ясин Е. Г. и др. Выбор пути: сценарии развития России // Инвестиции в России. 2013. № 6. С. 45-48.

[10] Лурье А.Л. *Методы сопоставления эксплуатационных расходов и капиталовложений при оценке технических мероприятий*. М., Трансжелдориздат, *1948г.*; Канторович Л.В. «Экономический расчет наилучшего использования ресурсов» – М., Издательство Академии наук СССР, 1959 г., 348 с.; Хачатуров Т.С. Эффективность капитальных вложений - М. Экономика 1979. - 335 с.; Львов Д. С. Эффективное управление техническим развитием. — М.: Экономика, 1990. — 255 с.

каби олимлар томонидан катта ҳисса қўшилган. И.А. Бланк, В.В. Бочаров, В.Н. Лившиц[11] ва бошқалар асарларида инвестицияларни режалаштириш ва молиялаштириш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш муаммолари ўрганилган. Иқтисодий ривожланиш мақсадларига эришиш учун инвестиция сиёсатидан фойдаланиш муаммоларига Э.Г. Ясин, Н.С. Косов, Е.Э. Головчанская, Э.А. Харченко, С.А. Филин, К. Павлов, Н.Новицкий[12] ва бошқаларнинг ишланмалари бағишланган.

Инвестицияларни молиялаштириш ва режалаштириш тизимини ривожлантириш, инвестициялардан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратишнинг айрим масалалари мамлакатимиз иқтисодчилари А.В. Вахабов, М.Б. Хамидулин, И.Л. Бутиков, Ш.Ш. Шоҳаъзамий, Э.Ф. Трушин, Д.А. Муинов, Г.Ч-Б. Федяшева, Д.М. Каримова, С.В. Чепель, В.А. Котов, Н.А. Хашимова, А.У. Бурханов, Ш.И. Мустафакулов[13] ва бошқаларнинг асарларида ҳам кўриб чиқилган.

Юқорида айтиб ўтилган муаллифларнинг илмий ишларида инвестиция ресурсларини жалб қилиш, меҳнат унумдорлиги ва иш ўринларини яратиш билан биргаликда турли хил молиялаштириш манбаларидан самарали фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда инвестиция стратегиясини шакллантиришга етарлича эътибор берилмаган. Шу сабабли, инвестицияларни жалб қилиш жараёнларини диверсификациялаш ва улардан самарали фойдаланиш долзарб масалалардан биридир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий ва ўқув муассасасининг тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида А-2-140-сонли "Инвестиция жараёнларини прогноз қилиш ва инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш механизмлари" мавзудаги илмий гранти доирасида амалга оширилган (2015-2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда инвестицияларни жалб қилиш жараёнларини диверсификациялаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича услубий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари: барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестиция сиёсати стратегиясининг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

---

[11] Бланк И. А. Основы инвестиционного менеджмента - Киев: "Ника-Центр", в 2х томах. Т. 1. - 2001. - 531 с., Т. 2. - 2001. - 511 с.; Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий: монография / Москва: Финансы и статистика, 1998. - 159 с.; Лившиц В.Н. Модели оценки эффективности инвестиционных проектов в стационарной и нестационарной экономиках. Вестник РАЕН. Серия экономическая. Август 2009, том 9, №2, с.11-18.

[12] Ясин Е. Модели экономики и системы ценностей. //Вопросы экономики. - 2003. - № 4. -4-36 с.; Головчанская Е.Э., Государственная инвестиционная политика в аспекте ее социально-экономической направленности: монография/ Волгоград: Волг. ГПУ; Волг. науч. изд-во, 2010. –180 с.; Павлов К. В. Инвестиции и инновации интенсивного и экстенсивного типа: макроэкономический подход // Финансовые исследования. 2009. №2 (23). С.26-39.; Новицкий Н. Основные направления инвестиционной политики в контексте задач новой индустриализации. // Институт экономики РАН, Москва 2013 г., стр. 21-24.

[13] Trushin, Eskender. (2013). Uzbekistan - Economic development and reforms: achievements and challenges. Washington, D.C.: World Bank Group.; Trushin, Eskender at al. (2019). Uzbekistan: Public Expenditure Review. Washington, DC.: World Bank Group.; Мустафакулов Ш.И. Иктисодий ривожланишни таъминлаш: худудларда махаллийлаштириш дастурларини татбик этишнинг мухим жихатлари. Иқтисодиёт ва таълим. №5, 2016 г. стр. 176-182.; Чепель С.В. Оценка потенциала монетарной политики в стимулировании инвестиций и роста: роль институциональной среды. «Иқтисодиёт: прогноз ва таҳлил», № 1-2 (4-5) 2020 г., стр. 4-16.

инвестициялар ўсишини прогноз қилишнинг услубий ёндашувларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистондаги инвестиция муҳитини қиёсий таҳлил қилиш услубиятини такомиллаштириш;

инвестиция оқимлари ва таркибини ўзгариши динамикасини ва тенденцияларни таҳлил қилиш;

инвестиция муҳитининг ҳолатини ҳамда Ўзбекистон саноатида инвестициялар самарадорлигини баҳолаш;

инвестицияларни жалб қилиш жараёнларини диверсификациялаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистондаги инвестициялар танланган.

Тадқиқотнинг предмети инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида юз берадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий, миқдорий, таркибий таҳлил ва синтез, математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, илмий башоратлаш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инвестиция муҳитини баҳолаш услубияти асосий иқтисодий кўрсаткичлар (KD), халқаро ташкилотлар рейтингларида мамлакатнинг ўрни ва индекслар қиймати (RR), инвестициялар учун шароитлар ва жозибадорлик (IC) ҳамда ишлаб чиқариш омиллари қиймати (PFC) кўрсаткичларини қўшимча ҳисобга олган ҳолда, уларни тизимли гуруҳларга ажратиш ва энг яхши натижадан узоқлиги (distance to frontier, DTF) индексларини қўллаш орқали умумий интеграл кўрсаткични шакллантириш асосида такомиллаштирилган;

Ўзбекистон саноатида инвестициялардан фойдаланишнинг самарадорлиги Европа мамлакатларига қараганда 2,5 маротаба кам бўлганлиги инобатга олиниб, ишлаб чиқаришда техника ва технологияларни янгилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун инвестициялардан самарали фойдаланишга қаратилган солиқ ва амортизация сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

инвестицияларнинг ички манбаларини фаоллаштиришга қаратилган корпоратив облигацияларни чиқариш ва инвестицион фондларини ривожлантириш, инвестиция дастурини шакллантиришда давлат инвестициялари самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган PIMA, P-FRAM, PMBOK услублар ва ёндашувлардан фойдаланиш, банкларда инвестицион кредит фаолиятида хатарларни баҳолаш услубиётини жорий этиш, хорижий инвесторлар инвестицияларга ундайдиган фаол механизмлардан фойдаланиш бўйича чоралар таклиф этилган;

инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш орқали инвестиция оқимларининг 2030 йилгача прогноз параметрларини 2 та сценарияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларидаги инвестиция муҳити қиёсий баҳоланган;

инвестицияларни тармоқ ва минтақавий тақсимотида номутаносибликлар ва сарфланган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги паст эканлиги аниқланган;

инвестицияларни жалб қилиш жараёнларини диверсификациялашни кучайтиришнинг асосий йўналишлари асосланган;

инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар бўйича аниқ таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

махсус иқтисодий зоналар мисолида инвестицияларни тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва асосланганлиги. Илмий натижаларнинг ишончлилиги, расмий манбалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигидан олинган турли маълумотлар базасидан фойдаланиш билан боғлиқ. Тадқиқот натижаларининг асосланганлиги замонавий эконометрик ва халқаро ташкилотларнинг таклиф этган услубларидан, шунингдек ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан, инвестицияларни жалб қилиш жараёнини такомиллаштириш бўйича расмий қабул қилинган ҳукумат қарорларида фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти, унда таклиф қилинган услубий ёндашув ва концепциялар, Ўзбекистонда ўрта ва узоқ муддатли инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда, мамлакатдаги инвестиция муҳитини ҳозирги ҳолатини баҳолашда ва уни ривожлантиришнинг йўналишларини аниқлашда, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ҳизмат қилади. Тадқиқот доирасида ўтказилган ҳар томонлама таҳлил инвестиция оқимлардаги асосий муаммоларни аниқлашга, уларнинг ечими эса инвестициялар ҳажмини ўсишига ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий асосида ишлаб чиқилган прогнозлар инвестиция оқимларини ривожлантириш истиқболларини аниқлаш, амалга оширишни чора-тадбирлари, механизмларини инвестицион фаолликни юқори даражага кўтаришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий этиш. Тадқиқотдан олинган илмий натижалар инвестицияларни жалб қилиш жараёнларини диверсификациялаш ва улардан самарали фойдаланиш учун қулай шароитларни яратишга қаратилган:

инвестиция муҳитини баҳолаш услубиёти асосида тайёрланган Халқаро рейтинглар ва индексларда Ўзбекистоннинг мавқеини мустаҳкамлаш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича таклифлар Давлат инвестиция қўмитаси ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Халқаро рейтинглар ва индекслар устида ишлаш, ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тадбирлар Режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестиция қўмитасининг 24.07.2018 йилдаги ШВ-03/05-2-7469-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 28.05.2020 йилдаги 3-2/20-8-сон маълумотномалари). Ушбу таклифлар амалга оширилиши мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилашга хизмат қилган;

инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ёндашуви ва ишлаб чиқилган тавсиялар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан 2025 йилга қадар Инвестиция сиёсати стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш доирасида инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини аниқлашда (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 28.05.2020 йилдаги 3-2/20-8-сон маълумотномаси), ва Давлат инвестиция қўмитаси томонидан Инвестициялар оқимини рағбатлантириш, ҳамда ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик янгилаш учун самарали фойдаланиш учун солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар (Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестиция қўмитасининг 24.07.2018 йилдаги ШВ-03/05-2-7469-сон маълумотнома) ва Солиқ кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишда (Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестиция қўмитасининг 24.02.2018 йилдаги ШВ-03/05-1649-сон хат) фойдаланилган. Мазкур таклифлар инвестициялардан самарали фойдаланиш даражасини ошишига, инновацияни кенг қўллаш учун имкониятлар очиб берган;

инвестициялар жалб қилиш имкониятларни моделлаштириш ва халқаро тажрибаси ўрганиш асосида ишлаб чиқилган инвестицияларнинг манбаларини фаоллаштиришга қаратилган чоралар бўйича тайёрланган таклифлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан 2025 йилга қадар Инвестиция сиёсати стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 28.05.2020 йилдаги 3-2/20-8-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар инвестицияларни молиялаштириш манбаларини аниқлашга қаратилган концепциясини ишлаб чиқишга асос бўлган;

инвестиция жараёнларининг ривожланишини прогноз қилиш натижалари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан 2025 йилга қадар Инвестиция сиёсати стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 28.05.2020 йилдаги 3-2/20-8-сон маълумотномаси). Прогноз натижалари ушбу Стратегия доирасида режалаштирилган чора-тадбирларни амалга оширишни баҳолашда ва мақсадли кўрсаткичларни белгилашда ҳамда мақсадли иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилган.

Илмий тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 15 та илмий-амалий конференцияларда, улардан 10 таси халқаро тадбирларда маърузалар сифатида тақдим этилди.

Тадқиқот натижаларини нашр этиш. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш, шу жумладан: 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси рўйхатига киритилган журналларда 5 та мақола, шу жумладан хорижий мамлакатларда 2 та мақола, ва 3 та мақола республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Диссертация тадқиқоти кириш, учта боб ва 9 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 187 бет ташкил этилди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети белгиланган, республикадаги фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ва татбиқ этилиши, шунингдек, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилди.

Диссертациянинг **«Замонавий шароитларда инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларини диверсификация қилишнинг илмий асослари»** деб номланган биринчи бобида замонавий шароитларда инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда инвестиция сиёсати стратегиясининг роли, инвестициялар, инновациялар ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро алоқаси, инвестицияларни ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболга прогноз қилиш услуби, шунингдек, Ўзбекистондаги инвестиция муҳитини қиёсий таҳлил қилиш услуби кўриб чиқилди. Биринчи боб охирида ушбу боб бўйича хулосалар келтирилади.

Инвестиция сиёсати ва стратегиясининг замонавий шароитдаги мақсадлари, вазифалари ва йўналишларининг назарий асосларини маҳаллий ва хорижий олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва таърифлари асосида ўрганиш, инвестиция сиёсати – бу ижтимоий–иқтисодий ривожланиш мақсадларига эришишни таъминлаш борасида мамлакатда инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш концепцияси эканлигини таъкидлаш имконини беради.

Инвестиция сиёсати мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг интеграциялашган қисми бўлиши ва инвестицияларнинг турли манбалари (масалан, давлат, ички хусусий ва хорижий хусусий тўғридан-тўғри инвестициялар) ролини уларнинг бир-бирини тўлдирувчанлиги, ўзаро алоқаси, бир-бири билан боғлиқ эканлиги белгилаши керак. Шунингдек, инвестициялар ва иқтисодий динамика циклининг фазалари, технологик ривожланиш босқичлари ўртасидаги яқин ўзаро алоқаларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Инвестиция динамикани тартибга солишдаги ёндашувлар, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда энг юқори самарага эришиш учун иқтисодиётнинг алоҳида секторлари ва корхоналарнинг гуруҳлари ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар, иқтисодий ва технологик циклнинг босқичлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Бунда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳам мамлакат инвестиция сиёсатига интеграциялаш лозим.

Инвестицияларнинг ортиши билан боғлиқ прогнознинг ўрта муддатли параметрларини моделлаштириш турли молиялаштириш манбаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш заруратидан келиб чиқади ва икки блок, яъни иқтисодиётнинг инвестиция ресурсларига эҳтиёжи (1-блок) ва инвестиция имкониятларидан моделлар тизимини ишлаб чиқиш (2-блок) да ўз ифодасини топади. Иқтисодиёт ривожланиши учун инвестицияларнинг етарли

эканлиги ёки етишмаслиги мамлакатдаги мавжуд инвестицион имкониятлар ва инвестицияларга иқтисодиётнинг эҳтиёжи ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

1-блок (инвестицион эҳтиёжлар) юзага келган ва прогноз қилинаётган макроиқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда кутилаётган ЯИМнинг ўсишини таъминлаш учун инвестицияларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш моделини ишлаб чиқишни ўз ичига олади:

$$dln_{inv_t} = a_1 + a_2 * dln_{gdp_{t-1}} - a_3 * dln_{gdp_t} - a_4 * dln_{gdp_{t+1}} + a_5 * der_t - a_6 * der_{t-1} - a_7 * dnir_{t-1} - a_8 * dcp_{t-1}, (1)$$

бу ерда: $\boldsymbol{dln_{inv_t}}$ – инвестициялар ҳажми логарифмининг биринчи фарқи (млрд. сўм., солиштирма нархларда); $\boldsymbol{dln_gdp_t}$ – бозор (ЯИМ) ҳажми логарифмининг биринчи фарқи (млрд. сўм, солиштирма нархларда), $\boldsymbol{der_t}$ – реал алмашув курсининг ўзгариши (%%), $\boldsymbol{dnir_t}$- қайта молиялаш ставкасининг ўзгариши (%%), $\boldsymbol{dcp_t}$ – хом ашё товарлари нархларининг ўзгариши (%%).

Инвестиция имкониятларини прогнозлаштириш модели ўзига хос корхоналар, аҳоли ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар сифатида экзоген ва эндоген макроиқтисодий омилларнинг корхона ва банкларнинг инвестициялари динамикасига таъсирини прогнозлаштиришнинг агрегацияланган моделини ўзида намоён қилади (1-расм).



1-расм. Молиялаштириш манбалари бўйича инвестиция имкониятларини шакллантиришга таъсир қилувчи омиллар тизими[14]

Давлат инвестициялари марказлашган бўлгани учун давлат манфаатларидан келиб чиқиб, қатъий режалаштирилади. Шу муносабат билан ушбу манбадан олинган инвестицияларни прогнозлаштириш жараёнида

[14] **Манба:** муаллиф ишланмаси

эндоген, яъни бошқа омилларга боғлиқ бўлмаган кўрсаткич, деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу ёндашувнинг бошқа моделлардан фарқи инвестицияларни талаб ва таклиф, умуман олганда инвестициялар ҳажми ва молиялаштиришнинг алоҳида манбалари нуқтаи назаридан прогнозлаштиришдир. Бу инвесторларнинг турли гуруҳларига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инвестицияларни жалб қилиш жараёнларини диверсификация қилиш имконини беради.

Инвестицион фаолиятни фаоллаштиришнинг асосий механизми ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда хусусий хорижий ва маҳаллий инвесторларни иқтисодий ривожланишни молиялаштиришга жалб этиш учун шарт-шароитларни яратишдир. Бу ерда инвестицияларнинг ҳажми эмас, балки республика иқтисодиётини ривожлантириш ва қўйилган маблағларнинг қайтишини таъминлаш учун улардан самарали фойдаланиш имконияти ва салоҳияти муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқотда инвестиция қўйилмалари самарадорлиги баҳоланиб, унда ривожланиш натижаси сифатида тармоқлар бўйича ялпи қўшимча қиймат (ЯҚҚ) ва иқтисодиёт бўйича ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсишининг кўрсаткичи қўлланилди[15]. Инвестициялар самарадорлиги қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$e_t = \frac{y_t}{d_{t-1}}, (1)$$

бу ерда y_t – t йилда ЯҚҚнинг ўсиш суръати, а d_{t-1} – t-1 йилда да ЯҚҚда инвестициялар улуши.

Илмий ишда тармоққа инвестиция қўйилмаларининг миқдори қўшилган қиймат ўсишининг интенсивлигига қанчалик таъсир қилиши аниқланди. Тармоқнинг ўсишига инвестицияларнинг қайтишидаги кечикиш таъсирини юмшатиш учун нафақат кўрсаткичнинг ўзидаги ўзгариш, балки 3 йил учун ўртача кўрсаткичнинг ўзгариши ҳам кўриб чиқилган.

Шу билан бирга ҳисобланган кўрсаткич фақат инвестицияларнинг ЯҚҚ миқдорий ўсишига таъсирини баҳолаш имконини беради. Инвестициялар тармоқнинг сифат жиҳатдан ривожланишига қандай таъсир қилиши инвестиция самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги динамикасини таққослаш орқали баҳолаш мумкин:

Капиталнинг қайтиши = Меҳнат унумдорлиги/Капиталнинг ишлаб чиқариш жараёнида, фирма ёки тармоқда ишлатиладиган меҳнатга нисбати.

Инвестицияларни киритиш иқтисодиётда капиталнинг ўсиши ва иш билан банд бўлганларнинг ишлаб чиқариш жараёни, фирма ёки тармоқда сарфланадиган меҳнатга муносабатни ўзида намоён қилади [16]. Капитал эскирган фондларни алмаштириш ва янги ходимларни ҳозир ишлаётган ишчи ходимлари капитал билан таъминланганидек учун оширилиши керак. Акс ҳолда ишчи ходим ва капиталнинг ўзаро нисбати пасаяди. Бу эса ўрта ва узоқ

[15] Каримов М.М. Оценка эффективности использования инвестиций в развитии промышленности // Макроэкономическая сбалансированность и комплексное социально-экономическое развитие: материалы II Форума молодых ученых-экономистов. ПРООН, GIZ, ИПМИ. Ташкент, 2013 г, с.168-173.

[16]The Solow Growth Model/MIT Economics, lectures by Daron Acemoglu, November 2011: http://economics.mit.edu

муддатли истиқболда меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, капиталнинг ишлаб чиқариш жараёнида, фирма ёки тармоқда ишлатиладиган меҳнатга муносабатининг ўсиши ҳали капитал самарали тарзда ишлатилаётганлигини билдирмайди. Капиталнинг ишлаб чиқариш жараёнида, фирма ёки тармоқда сарфланадиган меҳнатга муносабати пасайиши (ушбу кўрсаткичнинг пасайиши тармоқ, иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсири сабабли номаъқулдир), доимий[17] сақланиши ёки ўсиши мумкин. Бироқ, агар капиталнинг ишлаб чиқариш жараёнида, фирма ёки тармоқда сарфланадиган меҳнатга муносабати меҳнатдан фойдаланиш самарадорлиги – меҳнат унумдорлигини оширмасдан ўсаётган бўлса, унда капиталнинг қайтиши, яъни сифат нуқтаи назаридан инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги камаяди.

Тармоқнинг ЯҚҚда инвестицияларнинги улуши, ЯҚҚ ўсиш суръати ва самарадорлик кўрсаткичлари билан тармоқда инвестицияларни таққослаш тармоқларни инвестиялардан фойдаланиш самарадорлиги даражаси бўйича ажратиш имконини беради.

Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция муҳитини яхшилаш бугунги кунда жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Ҳозирда мавжуд усуллар турли хил ёндашувлар: сўров (Жаҳон банки Бизнесни юритиш индекси, Иқтисодий эркинлик индекси), статистик (ЮНКТАД Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш самарадорлиги индекси, кредит рейтинглари) маълумотлар ёки қонунчилик (ИҲТТ товар бозорларини тартибга солиш индикаторлари, Жаҳон банки Investing Across Borders ташаббуси), таваккалчилик (Standard & Poor’s (S&P), Moody’s ва Fitch Ratings рейтинглари) ёки салоҳият (ЮНКТАД Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш салоҳияти индекси) таҳлилидан фойдаланган ҳолда баҳолашга таянади. Бошқа тадқиқотларнинг натижаларини киритиш ҳисобига у ёки бўлак ёндашувлар бирлаштирилган бир қатор изланишлар мавжуд – "Euromoney" журналининг Euromoney Country Risk рейтинги ҳар чоракда Жаҳон банки статистик маълумотлари, ўзи ўтказган сўров натижалари ва кредит таваккалчиликларини баҳолашдан фойдаланган ҳолда мамлакатларнинг инвестицион таваккалчилиги ва ишончлилигига баҳо беради.

Инвестиция муҳитини баҳолаш учун турли ёндашувларни ўрганиш асосида Ўзбекистонда инвестиция муҳитининг ҳолатини қиёсий таҳлил қилиш услуби таклиф этилган ва апробациядан ўтказилган. Бунда статистик ахборот базалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва рейтинг агентликларининг тадқиқот натижалари ва мақолалари маълумотлар манбалари бўлиб хизмат қилади. Инвестиция муҳити индексининг кўрсаткичлар тизими 4 та кичик гурухдаги 20 та кичик индексга бирлаштирилган 117та кўрсаткичдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири инвестиция муҳитининг турли хил таркибий қисмлари (жозибадорлиги, салоҳияти ва таваккалчиликлари)ни акс эттиради.

[17] бир ишчи-ходимнинг капиталнинг ишлаб чиқариш жараёнида, фирма ёки тармоқда ишлатиладиган меҳнатга муносабатига доимий ўзаро нисбатини қўллаб туришда технологик тараққиёт сайин капитал тузилмасидаги ўзгариш имконини кўзда тутади.

1-жадвал.

Инвестиция муҳити индекси кўрсаткичларининг тизими[18]

Кичик гуруҳ	Кичик индекс	Кўрсаткичлар сони
Асосий кўрсаткичлар (KD)	География ва ЯИМ (GM)	6
	Иқтисодий тузилма (ES)	4
	Ташқи сектор (FS)	5
	Бошқа иқтисодий индикаторлар (OEI)	5
Рейтинги ва ўрни (RR)	Мамлакат рейтинглари (CR)	12
	Мамлакат таваккалчилиги индикаторлари (CRR)	5
	Бизнес фаолияти учун тўсиқлар (BO)	15
Инвестиция муҳитининг ҳолати (IC)	Хавфсизлик ва жиноятчилик (Crime)	5
	Қонун устуворлиги ва коррупция (RL)	6
	Тартибга солиш муҳити – ички (IRF)	4
	Тартибга солиш муҳити – ташқи савдо (ERF)	5
	Солиққа тортиш (Tax)	6
	Молия тизими (FinS)	6
	Инсон омили ва меҳнатни тартибга солиш (HCL)	6
	Инфратузилма (Infr)	8
	Инвестиция сиёсати (InvP)	5
Ишлаб чиқариш омиллари қиймати (PFC)	Меҳнат қиймати (LC)	1
	Коммунал хизматлар қиймати (UC)	2
	Операцион харажатлар (OC)	4
	Кўчмас мулк ва молиявий харажатлар (ECC)	7

Мамлакат рейтинги босқичма-босқич, яъни алоҳида кўрсаткичлар бўйича баҳолаш, кичик кўрсаткичларга қараб ўртача арифметик қийматлар сифатида кичик индекс бўйича, сўнгра кичик гуруҳ бўйича йиғма кўрсаткични ҳисоблаш ва якуний босқичда мамлакат бўйича якуний рейтингни ҳисоблаш орқали белгиланади.

Кўрсаткичлар бўйича қийматларни аниқлаш билан боғлиқ муаммонинг олдини олиш учун ҳисоблашда Жаҳон банкининг "чегаравий қийматгача бўлган масофалар" услуби қўлланилган:

$$DTF_{it} = \left(\alpha * \frac{W_i - V_{it}}{D_i}\right) * 100 \quad (2)$$

бу ерда DTF_{it} – ушбу мамлакат бўйича ўша кўрсаткичнинг - і чегаравий қийматгача бўлган масофаси; W_i– ўша кўрсаткичнинг - і энг ёмон қиймати; V_{it}- ушбу мамлакат бўйича ўша кўрсаткичнинг - і қиймати; D_i- ўша кўрсаткичнинг - і максимал ва минимал қиймати ўртасидаги фарқ; α- энг яхши қиймат мезони, = 1 агар «кам бўлса - яхшироқ» ва = -1 агар «кўп бўлса - яхшироқ».

Бундай таққослаш тизими интеграл коэффициентларни белгилашда тартибга солинган субъектлар кўрсаткичининг фарқланиш даражасини ҳисобга олиш имконини беради.

Инвестиция муҳитини баҳолашда таклиф этилаётган услубнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистонни мўлжал мамлакатлар билан солиштириш учун олинган айрим индикаторлар рейтинг агентликлари томонидан ҳисоблаб

[18] **Манба:** муаллиф ишланмаси

бўлинганлигида ўз ифодасини топади. Бу эса ҳисоблаш ва таққослаш жараёнини осонлаштиради. Бундан ташқари, индексни ҳисоблаш учун мамлакатда яшаш қиймати кўрсаткичлари киритилган. Рейтингларни ҳисоблаш учун "чегаравий қийматгача бўлган масофалар" услубидан фойдаланиш эса таққослашни алоҳида кўрсаткичлар, кичик индекслар, кичик гуруҳлар ёки умуман олганда умумий ҳолат бўйича аниқлаш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг **«Инвестиция ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш омиллари ва шарт-шароитлари таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида асосий капиталга инвестициялар динамикаси ва тузилмасининг таҳлили, аниқланган ўзгаришларнинг сабаблари, мамлакатдаги инвестиция муҳитининг, шунингдек, саноат тармоқларида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигининг баҳоланиши очиб берилган.

Инвестиция оқимлари трансформациясининг динамикаси ва уларнинг тузилишидаги ўзгариш тенденциялари инвестиция жараёнларидаги салбий трендлар ва республикани узоқ муддатли ривожлантиришнинг муҳим мақсади – самарали, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга эришишни таъминлашга тўсқинлик қилувчи қатор муаммоларнинг сақланиб қолганлигини кўрсатади. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда асосий капитални ялпи жамғариш даражаси анча пастлигича қолмоқда. 2015-2019-йилларда аҳоли жон бошига инвестициялар ҳажми 517 АҚШ долларидан 690 АҚШ долларигача ортганига қарамай, бу дунё бўйича ўртача даражанинг 20%га яқини ва МДҲ мамлакатлари бўйича ўртача даражанинг 56%ини ташкил этади. Инвестицияларни фаол жалб этиш ва ЯИМда инвестициялар улушининг тез ўсиши 2015 йилдаги 3,1 бирликдан 2017 йилда 4,7 бирликкача ва 2019 йилда 5,4 бирликкача ЯИМ ўсиши капитал сиғимлилигининг ёмонлашувига олиб келди (ICOR коэффициенти, ўтган давр ЯИМда инвестициялар улушига нисбатан ЯИМнинг ўсиши). Бу эса инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигининг пасайганидан далолат беради.

Асосий воситаларнинг эскириш даражаси юқори эканлиги ва фойдаланиладиган машина ҳамда ускуналарнинг ўртача ёши фонида инвестицияларнинг асосий ҳажми (50-60%) янги қурилиш ва қурилиш-монтаж ишларига йўналтирилади. Шу билан бирга инвестицияларнинг умумий ҳажмидан атиги 25-28%и мавжуд ишлаб чиқариш объектларини модернизация қилиш ва техник-технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилади. Такрор ишлаб чиқариш тузилмасида янги қурилиш учун инвестициялар ва инвестицияларнинг технологик тузилмасида қурилиш-монтаж ишлари учун харажатларнинг устунлиги асосий воситаларни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида, айниқса, ишлаб чиқариш тармоқларида фаолликнинг паст даражада эканидан далолат беради. Бунда меҳнат унумдорлигининг йиллик ўсиш суръати 5-6% даражасида экани (ўтган ўн йил давомида ўртача) ва янги иш ўринларини яратишнинг паст суръатлари (иқтисодий фаол аҳолининг ўсиш суръати билан солиштирганда) инвестицияларнинг етарли даражада юқори бўлмаган сифатини кўрсатади.

Инновацион фаолиятга инвестицияларни тақсимлашдаги беқарорлик ва номутаносиблик билан вазият янада кескинлашади: инновациялар учун умумий харажатларнинг 95% технологик инновацияларга тўғри келади. Шу билан бирга *маркетинг ва ташкилий инновацияларга 2-3% дан тўғри келади*. Маркетинг ва ташкилий инновацияларни молиялаштириш даражаси корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, бошқаришнинг янги усулларини жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш, янги бозорлар, маҳсулотнинг янги турлари ва уларни бозорларда илгари суришнинг усулларини ўзлаштириш борасидаги ишлар ҳам суст кетаётганигини билдиради.

Саноат ишлаб чиқариши турлари бўйича инвестицион фаолликни таҳлил қилиш натижалари инвестициялар динамикасининг кучли ўзгарувчанлиги ва *унинг камдан-кам ҳоллардагина йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга боғлиқлигини* кўрсатади. Битта йирик лойиҳанинг пайдо бўлиши, унинг амалга оширилиши, ишга туширилиши ишлаб чиқаришнинг тармоқлари ва ҳудудлар бўйича инвестицияларнинг тақсимланиши, уларнинг йиллик динамикасини тубдан ўзгартиради.

Капитал бозори (корпоратив қимматли қоғозларга инвестициялар) ҳозирги кунда инвестициялар ҳажмининг атиги 0,4% дан кўпроғини таъминлайди. Маҳаллий фонд бозори ҳали инвестициялаштириш учун муҳим манба сифатида шакллана олмади. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра умумий қиймати бор йўғи 206,9 млрд сўм (26 млн. АҚШ доллари) бўлган облигациялар (17 та чиқарилган) муомалада бўлиб турибди. 2019 йил давомида корпоратив ва инфратузилма облигациялари, шунингдек, бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) чиқарилгани йўқ. Эмитентларга нисбатан асоссиз қатъий талабларни тадбиркорлик субъектлари томонидан корпоратив облигацияларнинг чиқарилишини тўхтатиб турувчи асосий сабаблар қаторида кўрсатиш мумкин.

Тадқиқотда таклиф қилинган ва таърифланган инвестиция муҳитини қиёсий таҳлил қилиш услубига таянган ҳолда энг сўнгги маълумотлар асосида МДҲ мамлакатларида инвестиция муҳитини ривожлантириш рейтинги ҳисобланади. Ўтказилган ҳисоблаш ишларининг натижалари, таҳлилнинг таклиф этилган услубига кўра, Ўзбекистон инвестиция муҳитининг умумлаштирилган баҳоланиши бўйича МДҲ нинг 11 та мамлакати орасида 5-ўринни эгаллашини кўрсатди.

Ўзбекистон бозор ҳажми, географияси ва иқтисодий ривожланишнинг умумий динамикаси ҳисобига МДҲнинг бошқа давлатларига нисбатан қиёсий афзалликларга эга. Шу билан бирга, иқтисодий тузилманинг ривожланиши ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар бўйича орқада қолмоқда. Асосан мамлакатга инвестиция киритиш таваккалчилигининг юқори даражаси: коррупциянинг тарқалганлилиги, давлат сектори ва назоратнинг юқори даражаси, айрим статистик кўрсаткичларнинг заифлиги ва шаффоф эмаслиги ҳисобига халқаро рейтинг ва индекслар, инвестиция муҳитини ривожлантириш рейтингида Ўзбекистоннинг ўрнини яхши, деб бўлмайди.



2-расм. Ўзбекистондаги инвестиция муҳитини баҳолаш натижалари[19]

Ўзбекистон саноатига инвестицияларнинг самарадорлиги, шунингдек тармоқ ривожланишидаги капитал ва меҳнат унумдорлиги ўсишининг таъсири қайта ишлаш саноати тармоқларига инвестицияларнинг қазиб олувчи ва хом ашё тармоқларига нисбатан юқори самарадорлигини кўрсатади. Ушбу тармоқлар бўйича самарадорлик 25-28 баробар фарқ қилади.

2-жадвал.

Инвестициялар самарадорлиги (100 сўм инвестицияларга ЯҚҚ сўм ўсиши) ва меҳнат унумдорлиги (банд бўлганнинг 1 ишчига ЯҚҚ млн. сўм) динамикаси[20]

	Инвестициялар самарадорлиги			Меҳнат унумдорлиги		
	2012 й.	2017 й.	2019 й.	2012 й.	2017 й.	2019 й.
Иқтисодиёт	**32,7**	**25,5**	**18,3**	**69**	**104**	**109**
Саноат	**13,2**	**12,1**	**14,1**	**134**	**155**	**167**
Тоғ-кон саноати	5,6	5,8	11,0	198	300	368
Қайта ишлаш саноати	25,0	27,0	23,3	137	154	154
Электр таъминот, газ, буғ етказиб бериш ва ҳавони кондициялаш	-6,3	2,3	-1,4	87	100	123
Сув таъминоти, канализация, чиқиндиларни тўплаш ва утилизация қилиш	7,0	4,5	4,0	13	19	27

2012-2019 йиллар учун кўрсаткичларни таққослаш саноат секторлари бўйича ҳар хил динамика сабабли саноатда инвестициялардан фойдаланишнинг самарадорлиги инвестицияларнинг 10 бирлигига ЯҚҚнинг 11-14 бирликка ўсиш даражасида ўзгариб турганлигини кўрсатмоқда. Бу эса Шарқий Европа мамлакатларидагига қараганда 2-2,5 маротаба камдир.

Умуман олганда, ҳозирги пайтда тармоқларнинг кўпчилиги бўйича қўшимча қийматнинг ўсишида инвестицияларнинг қайтиши муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлаш лозим (3-расмда кўрсатилган). Шу билан бирга меҳнат унумдорлиги кўпинча салбий қийматларга эга бўлмоқда. Бу саноат тармоқларининг узоқ муддатли ривожланишига киритилаётган инвестициялар таъсирининг даражаси паст эканлигини кўрсатади.

Киритилаётган инвестициялар гарчи ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келса-да, меҳнат унумдорлиги қийматининг ошишида ўз аксини топмайди. Бу эса ривожланиш учун ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш –

[19] **Манба:** муаллиф ишланмаси
[20] **Манба:** муаллиф ишланмаси

интенсив эмас, балки ишлатилаётган ресурсларнинг ҳажмини ошириш ҳисобига – кўпроқ экстенсив ривожланишидан дарак бермоқда.



3-расм. Меҳнат унумдорлиги ва инвестициялар самарадорлигининг қўшимча қиймат ўсишидаги ҳиссаси, %%[21]

Капитал сиғимли ҳисобланган саноатнинг қазиб олиш тармоқлари устувор аҳамиятг эга эканлиги сабаб тез суръатларда ўсиб бораётган ишчи кучи ва иш ҳақи юқори бўлган иш ўринлари учун етарли миқдорда иш ўринлари яратилмаган.

Диссертация тадқиқотининг **«Инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш жараёнларини диверсификация қилишнинг устувор йўналишлари ва механизмлари»** деб номланган учинчи бобида ўрта ва узоқ муддатли истиқболда инвестиция жараёнлари прогнози берилган. Бундан ташқари инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш жараёнларини диверсификация қилишнинг устувор йўналишлари ва механизмлари, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган, шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш ва самарали ишлатиш жараёнларини диверсификация қилиш механизмлари ва воситаларини апробациядан ўтказиш учун майдонча сифатида махсус иқтисодий зоналарни ривожлантиришда муаммолар ва уларни ҳал қилиш чора-тадбирлари кўриб чиқилган.

